КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИPhD.38/09.07.2020.San.119.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ

ХИКМАТУЛЛАЕВА КАМИЛА САЙДУЛЛАЕВНА

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАМОНАВИЙ ШАҲАР МУҲИТИНИ БАДИИЙ БЕЗАТИШ САНЪАТИ (Тошкент шаҳри мисолида)

17.00.08 – Санъат назарияси ва тарихи

САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ - 2021

УЎК:7.01:725(043.3)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contentof dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Хикматуллаева Камила Сайдуллаевна
Мустақиллик даврида Ўзбекистонда замонавий шаҳар муҳитини бадиий безатиш санъати (Тошкент шаҳри мисолида)..... 3

Хикматуллаева Камила Сайдуллаевна
Художественное оформление современной городской среды в Узбекистане периода независимости (на примере города Ташкента) …… 24

Khikmatullaeva Kamila Saidullayevna
Art design of a modern city environment in Uzbekistan of the independence period (on the example of the city of Tashkent) …….. 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works..... 49

КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.38/09.07.2020.San.119.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ

ХИКМАТУЛЛАЕВА КАМИЛА САЙДУЛЛАЕВНА

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАМОНАВИЙ ШАҲАР МУҲИТИНИ БАДИИЙ БЕЗАТИШ САНЪАТИ (Тошкент шаҳри мисолида)

17.00.08 – Санъат назарияси ва тарихи

САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № B2020.1.PhD/San.4 рақами билан рўйхатга олинган.

ДиссертацияЎзБА Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fineartins.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Акилова Камола Балтабаевна**
санъатшунослик фанлари доктори

Расмий оппонентлар: **Нозилов Додо Авазович**
архитектура фанлари доктори, профессор

Абдуллаева Шахло Қурбонбуриевна
санъатшунослик фанлари номзоди

Етакчи ташкилот: **Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.38/09.07.2020.San.119.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «_____» _____куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100015, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншох кўчаси, 123.Тел.: (+99871) 255-98-39, факс: (+99871) 255-18-33, e-mail: info@mrdi.uz).

Диссертация билан Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти кутубхонасида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100015, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншох кўчаси, 123. Тел.: (+99871) 255-98-39, факс: (+99871) 255-18-33, e-mail: info@mrdi.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «___»_____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____даги____ рақамли реестр баённомаси).

Д.М.Қодирова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, санъатшунослик фанлари доктори

Б.Ю.Сангиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори

А.А.Зияев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, архитектура фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда шаҳарларни бадиий безатишда меъморчиликнинг тимсолийлиги, маълумот бериш функцияси ва шакл тушунчаларига амал қилиниб, Европа шаҳарларига хос анъанавий кенг композицияли қурилиш услуби ва меъморий-бадиий ансамбллар принциплари қўлланмоқда. Ҳозирда жаҳоннинг йирик шаҳарларини бадиий безатишда тасвирий санъатнинг бошқа турларида бўлгани каби меъморий постмодерн йўналиши услублари етакчилик қилмоқда. Жаҳон шаҳарсозлиги амалиётида шаҳар муҳитига жорий этилаётган мультимедиа воситаларининг визуал жиҳатдан бино ва иншоотлар одатий кўринишини тубдан ўзгартириб юбораётганлиги шаҳарларни бадиий безатишда глобаллашувнинг таъсирини аниқлаш, миллий ўзига хосликни сақлашга эътибор қаратиш заруратини туғдирмоқда.

Жаҳон миқёсида санъатшунослик, архитектура ва дизайн соҳаларида олиб борилаётган илмий тадқиқотларда шаҳарлар муҳитини бадиий безатишга таъсир этаётган социоантропологик, бадиий-эстетик, ижтимоий-иқтисодий, муҳандислик-қурилиш ҳамда меъморлик билан боғлиқ омилларни ўрганиш, шаҳарлар дизайнини яратишда анъанавий ва замонавий санъат турлари ҳамда визуал санъат воситаларини уйғунлаштиришда илмий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу илмий тадқиқотларда шаҳарларни бадиий безатиш услубларининг вужудга келиш сабаблари ва тараққиёт босқичларини тадқиқ қилиш, бадиий безакларнинг замонавий шаҳарсозлик маданияти ривожига таъсирини очиб бериш долзарб вазифалардан бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда шаҳарларни бадиий безатишда миллий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда хориж урбанистикаси инновацион амалиётининг маҳаллий шаҳарсозликка татбиқ этилиши, шаҳар меъморчилигига таклиф этилаётган дизайн лойиҳалар шаҳарларни бадиий безатиш амалиётини илмий ўрганиш заруриятини кўрсатмоқда. “Замонавий шаҳар муҳитини яратиш баробарида янги уй-жойлар барпо этиш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳолининг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш, транспорт хизматини тубдан яхшилаш, аҳоли пунктларини капитал ва жорий таъмирлаш, маданият ва санъат муассасалари фаолиятини такомиллаштириш зарурияти вужудга келди”.[1] Шаҳар муҳитини безатишда тасвирий санъат, амалий безак санъатининг анъанавий ва замонавий услублари ва тамойилларини тадқиқ этиш, шаҳарлар ландшафт дизайнининг тузилиши ва ривожланиш тамойилларини ўрганиш, шаҳарларни бадиий безатишда тарихий ва замонавийлик уйғунлигини таъминлашда ёдгорликларнинг композцион услубларини аниқлаш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 31 майдаги ПҚ-3022-сон “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3219-сон “Ўзбекистон Бадиий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сон “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2018 йил 26 августдаги ПҚ-3920-сон “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шаҳар муҳитини шакллантиришда шаҳарсозликдаги миллий анъаналар ва хорижий шаҳарсозлик тажрибаларига асосланиш, шаҳарларнинг тарихий қисмида замонавий қурилишларни олиб бориш, “шаҳар муҳитида қадимийлик ва янгилик”нинг ўзаро боғлиқлиги, шаҳар муҳитини безатишда тасвирий ва амалий санъат намуналари, дизайн лойиҳалари ва рекламалардан фойдаланиш масалалари E.Grube, L.Golombek, R.New, Ch.Jenks, А.Иконников, Т.Ляйстен, К.Зайцев, С.Михайлов, Е.Витюк, К.Курокава, С.Власов, М.Класанов, Г.Абрамян, К.Митрофанов каби хорижий олимларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган[2].

---

[2]Grube E.J. Dickie J. Grabar O. Architecture of the Islamic World. London. Thames and Hudson. 1974; Golombek L. Wilber D.The Timurid Architecture of Iran and Turan.–Princeton-New Jersey, 1988; New R. directions in American architecture.– New-York. 1977; Jenks Ch.The rise of post-modern architecture. Architectural Association Quarterly.1975; Иконников А.В. Функция, форма, образ в архитектуре. – Москва, 1986; Ляйстен Т. Исламская архитектура в Узбекистане.// “Наследники Шелкового пути. Узбекистан”. – Штутгарт, 1997; Зайцев К.Г. Современная архитектурная графика. – Москва, 1970; МихайловС.М. Дизайн современного города: комплексная организация предметно-пространственной среды (теоретико-методологическая концепция). Диссертация на соискание уч.степени доктора искусствоведения. – Москва, 2011; Витюк Е.Ю.Городская среда как арт-объект. Вестник Томского государственного университета. – М., 2012; Курокава К. Мегаполис XXI века никогда не остановиться в росте. Проект России. 4, 2003; Власов С.Н. Строительство метрополитенов. – Москва: Строй издат, 1988; Класанов М., Урбанизированная среда – её связь с архитектурой и другими видами искусства. В сб. «Пластические искусства и жилая среда». – Москва: София, 1988; Абрамян Г.П. Современная городская среда как фактор влияния на социокультурную ситуацию // Материалы международной юбилейной научной конференции “Россия и Кавказ”. – Владикавказ, 2009; Митрофанов К.М. Современная монументальная декоративная керамика. – М.-Л.: «Искусство», 1987.

Ўзбекистон ҳудудида шаҳар муҳитини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва шаҳарсозлик ривожланишининг тарихий-маданий асослари меъморлик ва санъатшунослик фан тармоқларида тадқиқот объекти сифатида ўрганилган. Г.Пугаченкова, Л.Ремпель, Л.Маньковская, В.Нильсен, М.Булатов, Т.Қодирова, Д.Нозилов, Ш.Аскаров Ш.Шоабдурахимов, М.Халмурадов, А.Хакимов, А.Зияев, К.Акилова, М.Юсупова, Р.Абриевларнинг фундаментал изланишлари шаҳарларни бадиий безатишнинг ўзига хос анъаналари ўрганишдамуҳим аҳамиятга эга[3].

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда шаҳарларни бадиий безатишнинг ўзига хос воситалари ва услубларини аниқлаш, ситилар қурилиши ва брендингларнинг шаҳар муҳитига таъсирини тадқиқ этиш, тарихий меъморий ёдгорликларни замонавий шаҳар муҳити билан уйғунлаштириш, миллий шаҳарсозликда анъаналарни ҳисобга олган ҳолда хориж шаҳарсозлигининг инновацион амалиётини қўллаш, шаҳар муҳитини безатишда тасвирий санъат, амалий безак санъати, ландшафт дизайни ва замонавий реклама воситаларидан фойдаланилишига бағишланган тадқиқотларнинг санъатшунослик фан тармоғида мавжуд эмаслиги мазкур тадқиқотнинг долзарблигидан далолат беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг № PZ-2017-0930306 – “Ёшларда қатъий фуқаролик позициясини шакллантиришда тасвирий санъат имкониятларини татбиқ этиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мустақиллик даврида Ўзбекистонда замонавий шаҳар муҳитини бадиий безатиш услублари, мазкур соҳа ривожининг асосий тамойилларини Тошкент шаҳри мисолида очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон шаҳарлари тарихий қисмининг ўзига хослигини инобатга олган ҳолда, шаҳар муҳитини бадиий безатишнинг миллий анъанавий йўналишларини аниқлаш;

---

[3]Г.А.Пугаченкова, Л.И.Ремпель, История искусств Узбекистана. – Москва, 1965; Ремпель Л.И. Вернуть дух “Благородной Бухары»// № 3-4. – Москва, 1992; Маньковская Л.Ю. Формообразование и типология зодчества Средней Азии IX-начало XX века. - Т., 2014; Нильсен В.А. У истоков современного градостроительства Узбекистана (XIX – начало XX веков.) Т.: Изд-во лит. Искусства, 1988; Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. – Тошкент: Меҳнат, 1991; Қодирова Т.Ф. Ўзбекистон истиқлол йиллари меъморлиги. – Тошкент, Шарқ, 2004; Нозилов Д.А. Чорбоғ. – Тошкент, 1997; Аскаров Ш., Генезис архитектуры Узбекистана. – Ташкент, 2004; Шоабдурахимов Ш. Подземное чудо Ташкента. – Ташкент: Шарқ, 1997; Халмурадов М.Х. Ташкентский метрополитен: проекты и воплощение. – Ташкент: “Узбекистан”, 2012; Хакимов А.А. Искусство Узбекистана: История и современность. – Ташкент, 2010; Зияев А.А. Старый жилой массив “Чувалачи” в Ташкенте // Материалы по художественной и духовной культуре Узбекистана. – Ташкент: Изд. Журнала “SAN`AT, 2014; Акилова К.Б. Народное декаративно – прикладное искусство Узбекистана. XX век: AX Узбекистана. Нац. ин-т художеств и дизайна им. К. Бехзода, – Тошкент, 2005; Юсупова М. Полвека трансформации архитектуры Узбекистана. – Тошкент, 2005; Абриев Р.Б. Ўзбекистон мустақиллиги йилларида тарихий меъморий обидаларни таъмирлаш ва қайта тиклаш жараёнлари. – Тошкент: Фан, 2015.

мустақиллик даврида Тошкент шаҳрини бадиий безатишнинг миллий бадиий хусусиятларини тавсифлаш;

замонавий шаҳар муҳитини шакллантиришда маҳобатли ҳайкалтарошлик, амалий безак санъатининг ўрни ва аҳамиятини белгилаш;

ижтимоий-маданий феномен сифатида Тошкент метрополитенининг бадиий безатилишида ўзбек халқининг тарихи ва миллий анъаналарига хос хусусиятларни аниқлаш;

шаҳарнинг ижтимоий-антропологик ва бадиий-эстетик моҳиятини акс эттирувчи шаҳар брендини шакллантириш концепциясини ишлаб чиқиш;

миллий шаҳар брендини шаклланишида шаҳарларни бадиий безатиш воситалари, бадиий ижод турларининг ўрнини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объектини Тошкент шаҳрининг бадиий безатилишида муҳим ўрин тутган тасвирий ва амалий санъат намуналари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини мустақиллик даврида яратилган Тошкент шаҳри меъморчилигида акс этган маҳобатли рангтасвир, маҳобатли ҳайкалтарошлик, амалий-безак санъати асарларининг бадиий хусусиятлари, шаҳарни бадиий безатишнинг услублари ва тамойиллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тизимлилик, солиштирма-қиёсий таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик, аналогик, эмпирик каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

замонавий шаҳарсозликда миллий меъморчилик анъаналари, халқ ўймакорлик санъати, ганчкорликдан фойдаланилиши бадиий безатишнинг асосий усули эканлиги, тарихийлик ва замонавийликни амалий безак санъати, ҳайкалтарошлик намуналари орқали уйғунлаштириш асосида шаҳар эстетикасининг шаклланиши далилланган;

шаҳарнинг бадиий-эстетик қиёфаси, бадиий безаклар, рамзий белгилар, эътиборли тарихий-маданий ёдгорликлар, артефактларнинг бадиий образи ҳамда этнотуристик масканлар - Тошкент шаҳри миллий брендини яратишга асос бўлганлиги аниқланган;

замонавий миллий шаҳар муҳити географик, иқлимий, миллий омиллар, меъморчилик анъаналари, ижтимоий қонуниятлар асосида шаклланиб, этномаданий микромуҳит сифатида намоён бўлаётгани далилланган;

шаҳар муҳитида бадиий безатишнинг анъанавий воситалари – тасвирий ва амалий санъати асарлари, замонавий услублари видеотасвирлар ва инсталляциялар уйғунликда доминант вазифани бажариши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда замонавий шаҳар муҳитини бадиий безатиш санъатига оид ижодий изланишларни такомиллаштириш, шаҳарларни безатишда хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси ҳамда миллий шаҳарсозликка хос унсурларни амалиётда қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

Диссертациядаги маълумотлардан дизайн ва архитектура таълим йўналиши ва мутахассисликлари мавжуд олий таълим муассасалари талабалари учун “Лойиҳалаш” фанига оид дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратишда фойдаланилган;

Тадқиқот материаллари Ўзбекистонда шаҳарларни бадиий безатиш санъатини оммавий ахборот воситаларида ёритиш, телекўрсатувлар, ҳужжатли фильмларни тайёрлаш, турли дизайн лойиҳалари, танлов-кўргазмалар концепцияларини ишлаб чиқишда манба сифатида хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, санъатшуносликнинг синалган усуллари ва назарий ёндашувлари қўлланилганлиги, ишлаб чиқилган таклифлар, хулосаларнинг республика ва халқаро миқиёсдаги илмий конференцияларда апробациядан ўтганлиги, илмий натижаларнинг республика ва нуфузли хорижий журналларда чоп этилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, уларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистонда замонавий шаҳар муҳитини бадиий безаш усулларининг назарий асосларини кенгайтириш ва бойитиш билан бирга шаҳар муҳитини бадиий безатишнинг ривожланиш босқичларини, шаҳар брендинги бадиий хусусиятларига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, шаҳарлар бадиий-этетик муҳитини шакллантиришга хизмат қиладиган услубларни белгилаш имкониятларини яратиши билан изоҳланади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти – замонавий шаҳар муҳитини бадиий безатишда маҳобатли рангтасвир йўналишида ижод қилаётган рассомлар, амалий безак санъати усталари, дизайнерлар касбий фаолиятларида фойдаланиш имконини беради. Шунингдек, санъатшунослик, дизайн, архитектура таълим йўналишлари ва мутахассисликлари учун дарслик ва ўқув қўлланмаларни тайёрлашда қўшимча манба сифатида хизмат қилиши баробарида замонавий ландшафт дизайни танлов-кўргазмалари ташкил этиш, дизайн лойиҳаларини амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мустақиллик даврида Ўзбекистонда замонавий шаҳар муҳитини бадиий безатиш санъати бўйича олинган илмий натижалар асосида:

замонавий шаҳарсозликда миллий меъморчилик анъаналари, халқ ўймакорлик санъати, ганчкорликдан фойдаланилиши бадиий безатишнинг асосий усули эканлиги, тарихийлик ва замонавийликни амалий безак санъати, ҳайкалтарошлик намуналари орқали уйғунлаштириш асосида шаҳар эстетикасининг шаклланиши тўғрисида олинган тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон давлат санъат музейи экспонатларини ҳисобга олиш фондидаги XIX аср охири XX аср бошларига оид архитектура лойиҳалари ҳамда хомаки план (режа)лари илмий паспорти, карточкаси, топографик рўйхатини тузишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йил 17 февралдаги 01-12-03-738-сон маълумотномаси). Натижада, шаҳарларни бадиий безатишнинг анъаналари ва услублари ҳақидаги материаллар XIX аср охири XX аср бошларига оид архитектура

лойиҳалари, хомаки план (режа)ларини илмий паспорти ва карточкасини янги илмий маълумотлар билан бойитилишига эришилган;

шаҳарнинг бадиий-эстетик қиёфаси, бадиий безаклар, рамзий белгилар, эътиборли тарихий-маданий ёдгорликлар, артефактларнинг бадиий образи ҳамда этнотуристик масканлар - Тошкент шаҳри миллий брендини яратишга асос бўлганлиги ҳақида олинган натижалардан ЎзР ФА Тарих институтида 2012-2016 йилларда бажарилган Ф1-ФА-0-11986 “Ўзбекистон шаҳарлари тарихи: анъаналар, урбанизация ва трансформация жараёнлари (энг қадимдан ҳозиргача)” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 20 августдаги 3/1255-1708-сон маълумотномаси). Тадқиқотда натижасида тўпланган Ўзбекистон замонавий шаҳарлари муҳитини бадиий безатиш анъаналари ва замонавий бадиий-эстетик тамойиллари ҳақидаги маълумотлар миллий шаҳарсозликдаги анъаналар ва трансформацион жараёнлар хусусидаги хулосаларнинг батафсил ёритилиши имконини берган;

замонавий миллий шаҳар муҳити географик, иқлимий, миллий омиллар, меъморчилик анъаналари, ижтимоий қонуниятлар асосида шаклланиб, этномаданий микромуҳит сифатида намоён бўлаётгани тўғрисида олинган илмий натижалардан ЎзР ФА Тарих институтида 2012-2016 йилларда бажарилган Ф1-ФА-0-11986 “Ўзбекистон шаҳарлари тарихи: анъаналар, урбанизация ва трансформация жараёнлари (энг қадимдан ҳозиргача)” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 20 августдаги 3/1255-1708-сон маълумотномаси). Натижада, илмий тадқиқот лойиҳаси маълумотлари замонавий шаҳарларнинг ривожланиш тарихи анъаналари, ривожланиш динамикаси ҳақидаги янги материаллар билан тўлдирилган;

шаҳар муҳитида бадиий безатишнинг анъанавий воситалари – тасвирий ва амалий санъати асарлари, замонавий услублари видеотасвирлар ва инсталляциялар уйғунликда доминант вазифаси бажариши ҳақидаги тадқиқот натижаларидан Темурийлар тарихи давлат музейида ташкил этилган “Темурийлар даври меъморчилиги ва бадиий безаш санъати” номли фотокўргазма концепциясини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 20 августдаги 3/1255-1708-сон маъумотномаси). Натижада, Ўзбекистонда шаҳарсозликнинг тарихан шаклланган анъаналари ва шаҳарларни бадиий безатишда амалий санъат турларидан кенг фойдаланилганлиги тарғиб этилишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 5 та республика ва 5 та халқаро конференцияларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий мақола нашр этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та илмий мақола (улардан 3 таси хорижий

журналларда), 13 та илмий конференция материалларида (улардан 5 таси республика ва 5 таси халқаро) конференцияларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 160 бетни ташкил этади. Иловада берилган иллюстратив альбом 50 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, муаммонинг ўрганилиш даражаси таҳлил қилинган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган.

Тадқиқот методологияси муаммога комплекс ёндашувни ўз ичига олади, объектларни тизимли ўрганиш, таққослаш ва қиёсий таҳлил қилиш, тарихийлик, мантиқий далиллаш, ўхшашлик ва эмпирик усул принципларига мувофиқ амалга оширилди. Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Замонавий шаҳар муҳитини бадиий безашнинг долзарб муаммолари”** деб номланган биринчи бобида шаҳар ва шаҳар муҳити мураккаб организм сифатида ранг-баранг инфратузилмани, этномаданий ва бадиий-эстетик моҳиятга эга микромуҳитларни ўз ичига олиши қайд этилган.

Бобнинг ***“Замонавий шаҳар муҳити тушунчаси ва унинг таркиби”*** деб номланган биринчи бўлимида шаҳар муҳитини ягона объект сифатида жаҳон миқёсида ўрганиш нуқтаи назаридан умумий тавсиф берилган. “Шаҳар муҳити” тушунчаси замонавий урбанистиканинг долзарб муаммоларига оид кенг қўлланиладиган тушунчалардан биридир. Бу “муайян экологик ва ижтимоий қонуниятларга бўйсунадиган техноген тузилмалар, иншоотлар, қулай ва табиий унсурларни бирлаштирган муҳит” деб тушунилади. Шундан келиб чиққан ҳолда шаҳарда тасвирий санъатнинг турли хил турлари мавжудлигига эътибор қаратилди. Бу ўз навбатида маҳобатли ва маҳобатли-безак санъат ёдгорликларига эътибор қаратиш, замонавий муҳитдаги тарихий объектларни кўриб чиқиш, кундалик транспорт хизматларида турли хил санъат турларидан (масалан, метродан) фойдаланишни тақозо этади, шунингдек, пайдо бўлаётган янги меъморчилик объектлари жамоатчиликнинг ижобий ва салбий фикрларини ҳам туғдиради. Бошқача қилиб айтганда, шаҳарни санъат даражасида тасаввур қилиш замонавий шаҳар муҳитининг фаол таркибий қисми сифатида бадиий-эстетик таъсир кўрсатишни назарда тутади.

Маълумки, “шаҳар дизайни” атамаси Сидней университетининг профессори Жон Лэнг китобида 1950 йилларда келтирилган бўлиб [4], унинг синоними сифатида “шаҳар муҳити дизайни” атамаси пайдо бўлди ва у дизайн, меъморчилик ҳамда бадиий санъат йўналишидаги олий ўқув юртларида қўлланила бошланди.

Диссертацияда шаҳар муҳитининг шаклланиши социоантропологик ва бадиий-эстетик, ижтимоий-иқтисодий, муҳандислик-қурилиш ҳамда меъморчилик билан боғлиқ омилларга бориб тақалиши асосланган. Шунинг учун шаҳар муҳитини бадиий безатиш мураккаб ва хилма-хил масалалар комплексини қамраб олади.

Фикримизча, замонавий шаҳарлар фақат уларнинг ўзигагина хос бўлган меъморий-бадиий кўринишларга эга бўлиши керак. Уларни умумий режалаштириш, инфратузилмасини лойиҳалаш жараёнида шаҳарнинг бадиий-эстетик, меъморий-маконий жиҳатлари эътиборга олинмоғи зарур. Шу билан бирга, улар ўз замонасининг ғоясини, мустақил давлатнинг маданият соҳасидаги сиёсатида белгилаб берилган қадриятларни акс эттириши ҳам керак. Бундан ташқари, шаҳарнинг меъморий-бадиий қиёфаси эстетик қимматга ҳам эга бўлиши, унда гўзаллик акс этиши талаб қилинади. Шаҳарларнинг бадиий безалиши жамиятнинг амалий ва эстетик эхтиёжларига ҳам жавоб бериши лозим.

Айрим мамлакатлар ва халқларнинг шаҳарсозлик борасидаги тарихи шуни кўрсатадики, шаҳарлардаги қурилишларнинг бадиий сифати мезонлари ҳам ана шу мамлакат ва халқнинг тарихи ва маданияти билан бирга ривожланиб боради. Тараққиётнинг турли даврларида меъморчилик ва қурилиш соҳасидаги, ижтимоий ҳаётнинг ўзгариб бораётган талабларига жавоб бера олган, янгича сифатлар устуворлик касб этиб келган. Шаҳарларда қурилаётган бино ва иншоотларнинг мазмун ва тимсол жиҳатидан сифатининг ошишига меъморчилик ва тасвирий санъатнинг ўзаро уйғунлиги воситасида, бошқача айтганда, шаҳар муҳитига маҳобатли ҳайкалтарошлик, амалий-безак санъатни ва ландшафт дизайнини фаол сингдириш орқали эришиш мумкин.

Шаҳар муҳити ва маҳобатли, маҳобатли-безак санъатнинг уйғунлигига эришишда уларнинг жойлашган ўрнини тўғри танлаш, объектларнинг умумий ўлчамларини шаҳар муҳити билан биргаликда тўғри белгилаш, уларнинг атрофдаги дунё томонларига қараб йўналганлиги, атрофидаги бошқа иншоотларга нисбати каби жиҳатлар жуда муҳим аҳамият касб этади. Шаҳар муҳити ва маҳобатли, маҳобатли-безак санъатнинг уйғунлигига эришишнинг юқорида баён этилган модуллари ва принциплари тадқиқот муаммосининг рационал ечимини топишга ёрдам беради.

Диссертацияда шаҳар муҳитининг қуйидаги тавсифий белгилари берилади:

---

[4]Михайлов С.М. Дизайн современного города: комплексная организация предметно-пространственной среды (теоретико-методологическая концепция). Диссертация на соискание учёной степени доктора искусствоведения. – Москва, 2011. – 42 с.

- шаҳар муҳити маълум даражада географик, иқлимий, миллий ва ижтимоий омиллар билан белгиланади;

- шаҳар муҳити шаҳарда истиқомат қилувчиларнинг моддий ва маънавий эхтиёжларига жавоб бериши керак;

- шаҳар муҳити маълум бир таркибга эга бўлиб, уни меъморчилик, транспорт коммуникациялари, маҳобатли ва маҳобатли-безак санъати, ландшафт дизайни кабилар таъминлайди;

- шаҳар муҳити ўзининг бадиий ишланмаси, қиёфасига эга бўлади;

- шаҳар муҳитида миллий ўзига хосликнинг кўринишлари ҳам мавжуд бўлади.

Мазкур бобнинг иккинчи бўлими ***"Ўзбекистон шаҳарларини бадиий безашнинг тарихий илдизлари"***деб номланиб, унда шаҳар муҳитини бадиий безатиш ва шакллантириш ўзининг тарихий-маданий негизларига эга, деган фикр илгари сурилган. Миллий меъморчилик, шаҳарсозлик, кишилар яшаши ва фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш ижтимоий-маданий ва иқтисодий тараққиётнинг шарти бўлиб келган. Ўзбек халқи тарихий-меъморий обидаларини ва миллий шаҳарсозлик анъаналарини ўрганиш шуни кўрсатадики, шаҳар муҳитининг шаклланиши умумий ижтимоий-маданий ҳаётдан, иқтисодий муносабатлар ва бошқариш эҳтиёжларидан чеккада рўй бермайди. Ҳар бир шаҳар ўзининг бетакрор хусусиятлари ва ички ҳаёти билан шаҳар муҳитининг шаклланишига таъсир этади. Агар қадимги даврларда шаҳар муҳити ижтимоий эҳтиёжлар туфайли шаклланган, унда содда утилитар манфаатлар етакчи рол ўйнаган бўлса, бадиий-эстетик омилларнинг таъсири туфайли шаҳар муҳитини бадиий безатиш анъанага айланган. Турли иншоотлар барпо этилган, кўчалар, майдонлар ва бозорлар олдида ўзига хос тарзда янги бинолар, ибодатхоналар, карвонсаройлар, меҳмонхоналар ва уй, ҳовлилар қурилган. Исломий қадриятлар шаҳарсозликка таъсир этган, масжидлар, расадхоналар, мадрасалар, қалъалар ва саройлар нақшлар, ганч ва ёғоч ўймакорлиги, кандакорчилик, мисгарликка оид асарлар билан безатилган. Пишган ғиштдан қурилган иншоотларнинг ўйма нақшлар ва гумбазли шакллар, эшик, ойна ва ибодатхоналар пештоқлари, деворларининг ганч ўймакорлиги намуналари билан безатилиши ушбу санъат турларининг юқори даражада ривожланишига таъсир этган. Лазур тошлардан ясалган орнаментлар миноралар ва саройлар пештоқига алоҳида тус бериб турган.

Бобнинг ***"XIX-XX асрларда Ўзбекистонда шаҳар муҳити ва ижтимоий жараёнлар"*** деб номланган учинчи бўлимида Ўзбекистонда XIX-XX – асрларда шаҳарсозлик ҳақидаги тарихий маълумотлар берилган. Ўзбек шаҳарсозлигида рус ва Европа стилидаги бинолар қуриш шаклланади. Кўчалар ва майдонларга ҳайкаллар, дарвоза ва эшик олдиларига пушкалар қўйиш, эмблема ва турли символлар билан бадиий безатиш, бекатларга ахборот кўринишдаги эълонлар илиш кабилар шаҳар муҳитини безатишга хизмат қилган. Бу ҳаракатлар ўша даврнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаёти талабларига жавоб берар эди. То XX асрнинг иккинчи ярмигача шаҳар муҳити ва уни бадиий безатиш тўғрисида маълум бир тушунча йўқ эди.

“Замонавий шаҳар муҳити” ва “шаҳар эстетикаси” каби тушунчалар энди илмий истеъмолда, уларни илмий муаммо сифатида тадқиқ этиш санъатшунослик фанларининг вазифасидир.

Диссертациянинг **“Монументал ва амалий-безак санъатнинг замонавий шаҳар муҳитини бадиий безатишдаги ўрни, Тошкент эстетикаси ва брендинги”** деб номланган иккинчи бобида шаҳар муҳитини шакллантиришга оид тарихий-меъморий ёдгорликлар, ижтимоий-маданий ва бадиий-эстетик омиллар таҳлил қилинган, уларнинг инсон ҳаёти, турмуш тарзи, шаҳар инфраструктурасидаги мобиллиги масалалари ёритилган. Шаҳар муҳити, шаҳар эстетикаси, шаҳар бренди каби тушунчаларнинг илмий-назарий жиҳатлари ўрганилган, улар билан боғлиқ шаҳарсозлик қурилиши тажрибалари умумлаштирилган. Замонавий шаҳар муҳити янги бадиий-эстетик воқелик (шаҳар эстетикаси) сифатида икки ёндашув (маданий-меъморий ёдгорликларни асраш ва бадиий-эстетик тарбия)га таянади. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам шаҳар эстетик брендини шакллантириши мумкин.

Бобнинг ***“Тошкент шаҳар муҳитини бадиий безатишда маҳобатли ва амалий-безак санъатидан фойдаланиш”*** деб номланган биринчи бўлимида диссертация мавзуси бўйича ўрганилган материаллар умумий тавсифланди ва таҳлил қилинди. Ўзбекистоннинг замонавий шаҳар муҳитини бадиий безатилишининг асосий таркибини маҳобатли санъат эгаллайди. Истиқлол даври янги маънавий қадриятлар тизимини шакллантирди, унинг асосини эса миллий онгни юксалтириш, миллий тарихий-маданий меросни англаб етиш, санъатнинг миллий ўзлигини айнан ўхшатиш ташкил этиб, у бевосита маҳобатли ҳайкалтарошликда ўз аксини топди.

Мустақиллик йилларида Тошкент шаҳри кескин ўзгариб, янги турар жойлар, бизнес марказлари, меҳмонхоналар, янги тематик боғлар, бадиий дизайндаги ансамбллар, рассом, нақкош ва амалий санъат усталарининг ижодий ишларидан фойдаланилмоқда.

Мустақиллик даври ҳайкалтарошлик санъатининг маҳобатли турида ишланган илк тарихий асарлар сифатида пойтахтимизнинг Миллий боғида ўрнатилган улуғ шоир Алишер Навоий образига аталган ёдгорликни қайд этиш жоиздир (Э.Алиев, Н.Банделадзе, В.Дегтяров, 1991). И.Жабборов томонидан яратилган буюк Соҳибқирон Амир Темур образи Тошкент шаҳрининг гавжум хиёбони марказига ўрнатилган[5]. Мустақиллик бош майдонинида эса меъморий ансамбллар, етакчи амалий санъат усталарининг асарлари ва маҳобатли композициялар қад кўтарган хотира ва қадрлаш майдони яратилган. Ушбу ансамблнинг маркази ҳайкалтарош И.Жабборовнинг "Мотамсаро она" композициясидир. Она образида рассом дард ва кутиш туйғуларини очиб беради.

Боғ ҳудудлари шаҳар муҳитининг замонавий кўринишини шакллантиришда ҳам катта аҳамиятга эга, маданий ҳордиқ чиқариш

[5] Ўзбекистон санъати. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 26 б.

объектлари, хусусан, "Ғалаба боғи" ёдгорлик мажмуаси ўрганилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги "Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида"ги ПҚ-4495-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳрида барпо этилган “Ғалаба боғи”да қуйидаги ёдгорлик мажмуалари яратилди: “Теракзор” фавворaси, “Шон-шараф гулчамбари” барельефи (муаллиф: М.Бородина), “Ғалаба” деб номланган кўп фигурали композиция, Иккинчи жаҳон уруши мавзусига ишланган барельефлар, “Почтачи” композицияси (муаллиф: М.Сафарян), “Югураётган солдатлар”, 101 фигурадан иборат “Концлагерь”, “Асраб олинган 200 000 болалар”, 2 фигурали “Мусиқачи солдатлар”, “Югураётган болалар” фавворaси учун яратилган 5 фигурали композиция, “Окоп 1” ва “Окоп 2” композициялари, “Фронт орти”, “Учрашув”, “Кузатиш” ва “Уруш” деб номланган барельефлар, “Мевалар, нон, самолётлар” деб номланган барельеф (муаллифлар: Й.Боқиев, У.Асроров). “Иккинчи жаҳон урушининг 14 қаҳрамони”, “Зулфия Зокирова ва унинг тўрт келинлари” (муаллиф: Ж.Анназаров, Б.Норбоев).

“Шон-шараф” музейининг кириш қисмида маҳобатли рангтасвирчи А.Аликулов раҳбарлигида бир гуруҳ рассомлар томонидан яратилган “Ўзбекистоннинг Улуғ Ватан урушидаги ғалабасига қўшган ҳиссаси” монументал деворий асари. "Ғалаба боғи" тушунчасини яратишда хорижлик мутахассисларнинг тажрибаси қўл келди. Мажмуада маҳобатли ҳайкалтарошлик композициялари орқали иккинчи жаҳон урушининг барча муҳим воқеалари акс эттирилган бўлиб, бу асарлар уруш даврида ўзбек халқининг довруғини абадийлаштириш, айниқса, ёшлар орасида маънавий, ахлоқий ва инсонпарвар тамойилларни тарбиялаш намунасидир. Шунингдек, мамлакатимиз фуқаролари учун ҳам, сайёҳлар учун ҳам севимли масканлардан бирига айланиши мўлжалланган.

2020 йилда Тошкент Миллий боғида Адиблар хиёбони деб номланган ягона меъморий ансамбл ташкил этилди, Бобур, Огаҳий, Бердақ, Муқимий, Фурқат, Беҳбудий, Авлоний, Чўлпон, А.Қодирий, Т.Қайипбергенов, И.Юсупов, А.Файнберг, Ойбек, Ҳ.Олимжон, Г.Ғулом, Э.Воҳидов ва бошқа кўплаб атоқли адибларга оид ёдгорликлар ўрнатилган. Машҳур асарларни Т.Тажиходжаев, Б.Норбоев, Ж.Анназаров, И.Жабборов ва бошқалар ягона меъморий ва бадиий композицияни, ёзувчиларнинг характерли тасвирларини яратиш устида ишладилар. Ушбу меъморий лойиҳа интеллектуал дам олишнинг замонавий шаҳар муҳитига мос келади.

Наврўз этнографик боғини ҳам алоҳида таъкидлаш муҳим. Ўзбекистоннинг ҳар бир минтақасининг ўзига хос хусусиятларини ўзида мужассам этган анъанавий турар-жой архитектураси 2,5 гектар майдонда мужассамлашган. Лой деворли ҳовлилар, айвонлар, чойхона ва устахоналар тасвирида қадимий маҳаллалар қиёфаси кўзга ташланади. Ушбу лойиҳа туризмни ривожлантириш мақсадида яратилган. Этнопаркда янги ташкил этилган "анъанавий" маҳаллалар замонавий шаҳар муҳитининг ўзига хос тажрибасидир. Комплекснинг ташқи жозибадорлигидан ташқари, муайян

сунъийлик мавжуд, қурилиш уйларнинг деворлари учун анъанавий қурилиш материалларидан етарлича фойдаланилмаган, шу билан бирга сохталик ҳисси пайдо бўлади. Таъкидлаш жоизки, муайян ҳудуддаги турар-жой биноларини декоратив безашда ёғоч ва ганч ўймакорлиги ва рангтасвирда маҳаллий нақкошлик услубларидан фойдаланган нақкошлик ва амалий санъат усталари жалб этилган.

Мазкур бобнинг ***"Замонавий шаҳар муҳитини шакллантиришнинг социоантропологик ва бадиий-эстетик омиллари"*** деб номланган иккинчи бўлимида Тошкент шаҳрининг замонавий қиёфасини ўрганиш ишлари олиб борилди, янги шаҳар мажмуалари, истироҳат боғлари, бадиий ансамбллар ва бошқалар сўнгги йиллари таҳлил қилинди. Бугун Ҳаракатлар стратегиясида Ўзбекистонда шаҳар ва қишлоқлар инфраструктурасини замонавийлаштириш, янги иншоотлар ва турар жойлари, сервис марказлари барпо этиш, маданият ва санъат муассасалари фаолиятини ривожлантириш, аҳолининг "экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш" каби ижтимоий ҳаётимизни модернизациялаштиришга қаратилган вазифалар белгилаб берилган[6] .

Сўнгги уч йилда юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан моддий ва маънавий-маданий меросни асраш, маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш, қишлоқ ва шаҳарлар инфраструктурасини тубдан яхшилаш, қурилиш соҳасини жадал ривожлантириш, "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла", "Хавфсиз шаҳар" каби давлат дастурларини қабул қилиш, урбанизацияни такомиллаштириш, архитектура ва йўл транспорт соҳаларини давр талаблари даражасига кўтаришга оид кейинги уч йил ичида 80 дан зиёд фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Сити-шаҳар ғояси Тошкент архитектурасида замонавий шаҳарлар яратиш борасидаги инновацион ғоя экани, бу тажриба миллий шаҳарсозликка қандай сингдирилаётгани, унинг инсон ҳаёти, турмуш тарзи, меҳнат фаолияти ва кайфиятига таъсири масалалари муҳокама қилинган.

Сити-шаҳарчаларига бизнес марказларининг бутун мажмуалари, турар жой бинолари, истироҳат боғлари, дам олиш зоналари ва бошқалар киради. Бу иншоотларни қуриш жараёнида ижодий ёндашув катта аҳамиятга эга бўлиб, бадиий безатиш жиҳатидан ишлов беришга етакчи мутахассислар, рассомлар, ҳайкалтарошлар, амалий безак усталари жалб қилинади ва мажмуаларнинг бадиий-эстетик қиёфаси яратилади.

Бобнинг ***"Замонавий Тошкент шаҳар муҳити ва брендинги шаклланишининг миллий хусусиятлари ҳамда илк тажрибалари"*** учинчи бўлимида замонавий Тошкент шаҳар муҳити ва эстетикасини шакллантириш тажрибалари умумлаштирилган. Мазкур тажриба бир томондан, тарихий меъморий ёдгорликларни асрашга, иккинчи томондан, халқаро тажрибаларга асосланган шаҳар брендини, эстетикасини яратишга қаратилгани билан

[6]Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Тошкент, 2017. – 112 б.

эътиборлидир. Бу миллий шаҳарсозликда, шаҳар эстетикасини шакллантиришда мутлақ янги тажрибадир. Шу билан бирга диссертацияда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг замонавий шаҳарсозлик муаммоларини, шаҳар муҳитини шакллантириш билан боғлиқ социоантропологик масалаларга эътибор қараётгани, бу борада махсус қарорлар қабул қилингани аниқ мисоллар билан очиб берилган.

Тадқиқотда кўп қаватли биноларни қуриш миллий шаҳарсозлик тажрибаларини бойитишга хизмат қилса-да, аммо уларни барпо этиш социоантропологик аҳамиятга эгадир, яъни инсоннинг бадиий-эстетик дидини ўстириш, ён-атрофга бўлган муносабатларини инсонийлаштириш, креатив фаоллигини оширишга қаратилганини унутиб бўлмайди, деган илмий-эстетик ва фалсафий ғоя илгари сурилган. Диссертацияда шаҳар брендингини шакллантиришга оид концепциялар, фикрлар ва тажрибалар тадқиқ этилган. Фикримизча, шаҳар брендинги ундаги социоантропологик ва бадиий-эстетик моҳиятни ифода этувчи, уни бошқа шаҳарлардан фарқловчи, аҳолининг шу шаҳарга идентификациялашувини билдирувчи символлар, бадиий безаклар, маданий хизматлар турлари ва образлардан иборатдир.

Бугун Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган қурилишлар, янги бинолар комплекси, кўчалар ва майдонлар безаги, рекламалар, ёритқич безаклар, паннолар, инсталляция ва дизайн ечимлари Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларига намуна, брендинги бўлиб хизмат қилмоқда. Жаҳон шаҳарсозлик соҳасида муҳим мавқега эга бўлиш учун пойтахт брендингини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.

Диссертациянинг **“Тошкент метрополитени ва унинг шаҳар муҳитини бадиий безатиш санъатини шакллантиришга таъсири”** деб номланган учинчи бобида метрополитен пойтахт муҳитининг, инфратузилмасининг таркибий қисмига айлангани, бугун шаҳар аҳолиси унда фойдаланишнинг аҳамиятини чуқур англаётгани, “М” белгиси бадиий безатишда ўзига хос символга, реклама ва брендга айлангани таъкидланган.

Бобнинг ***“Метрополитен бадиий-эстетик образининг яратилиши (ретроспектив таҳлил)”*** биринчи бўлимида, метрополитен бадиий безатилишининг таҳлилий тадқиқи амалга оширилди. Метрополитеннинг асосий функцияси пойтахт аҳолисига ва меҳмонларга транспорт хизматлари кўрсатишдан иборат. Бироқ у шаҳар муҳитининг таркибий қисми сифатида кишиларда маълум бир бадиий-эстетик дидни шакллантиришга, информациялардан хабардор юришга, ўзаро мулоқотлар уюштиришга ҳам хизмат қиладиган макондир. Метрополитенннинг тор, чекланган ижтимоий муҳити унинг ҳар бир бурчагидан, майдони ва колонналари, пештоқларидан самарали фойдаланишни тақозо этган. Диссертацияда таҳлил қилинган манбалар, асарлар ва безаклар кўрсатадики, метрополитен ҳақиқий халқ асари, ижоди намунасидир. Чунки уни бунёд этиш ва бадиий эстетик безатишда санъатнинг кўпгина турларидан, шаклларидан фойдаланилган. Бу жараёнда турли тасвирий санъат жанрларида ижод қилган ижодкорлар, амалий санъат усталари, халқ рассомлари ва меморлар қатнашган. Метронинг ҳар бир бекати, унга кириш вестибюли, поездлар йўлаклари

бетакрор санъат асарларини эслатади, улар асло бир-бирларини такрорламайди. Бетакрорлик метрополитенни бадиий безатишдаги асосий услубдир.

Тасвирий санъат соҳасида Ч.Аҳмаров, В.Жмакин, Г.Кроллис, Р.Немировский, И.Липене, Я.Шапиро, О.Хабибуллин, В.Логинов, П.Кроле, М.Озолиниш, К.Озолине, Н.Ментеле, Э.Алиев, А.Банделадзе, В.Дегтяров, Ш.Абдурашидов, А.Бухарбоев, И.Жарский, С.Шаппо, И.Липас, Х.Рисин, Р.Мухамедшин, М.Усманов, И.Шермуҳаммедов, В.Табибов, В.Афанасьев, Ш.Абдураззаков, Ю.Зайцев, В.Соседов ва бошқалар ўзига хос из қолдирган. Мазкур ижодкорларнинг ҳар бири ўз стилига эга. Масалан, «Алишер Навоий» бекатида Ўзбекистон халқ мусаввири Ч.Аҳмаров, «Олмазор» бекатида Ўзбекистон халқ мусаввири В. Жмакин, «Пушкин» бекатидаги чироқларда Литва халқ мусаввири И. Липене стили аниқ кўзга ташланади. Халқ усталари М. Усманов ва И. Шермуҳаммедовлар стили «Чорсу» бекати вестибюлини, «Буюк ипак йўли» бекати қуббаларини ва «Новза» бекатидаги ганч безакларида акс этган. Демак, метрополитеннинг бадиий безатилишида тасвирлар, нақшлар, образлар муаллифининг исми аниқ ёки ноаниқлиги муҳим роль ўйнамайди, энг муҳими асарларнинг конструктив прагматик мақсадга хизмат қилишидадир.

Тошкент метрополитени архитектурасида энг кўп фойдаланилган материаллардан бири мармар ва гранитдир. Ушбу материалларнинг мустаҳкамлиги, чиройлилиги ва ҳар қандай захга, сув босқинига, зилзила таъсирига чидамлилиги маълум. Шунинг учун мармар ва гранит исталган иншоотни безайдиган, унга умрбоқийлик бағишлайдиган ажойиб қурилиш материалидир. Нурота, Ғозғон, Байкал ҳавзаси мармарлари ва гранитлари ҳисобига барча метро бекатлари бетакрор қиёфа ва кенг кўламли ранглар жилосини касб қилди[7].

Нуротанинг оқ мармари архитекторларимизнинг севимли материали бўлган. Биринчидан, у тез ва осон ишлов бериладиган, силлиқлаштириладиган хусусиятга эга; иккинчидан, у бинолар ичини озода, кенг ва ёруғ кўрсатиб кишида кўтаринки кайфият уйғотади; учинчидан, уни пойтахтга келтириш бошқа республика ва ўлкалардан келтириладиган мармарлардан арзон тушади, бу эса сарф-харажатни тежаб сарфлаш имконини беради. Нурота оқ мармарини деярли барча бекатларда, аванзал йўлаклар, устунлар ва перронларда учратамиз.

Тошкент метрополитенининг бадиий-эстетик манзараси бутун комплекс архитектурасининг, техник конструкцияси ва транспорт хизмати сервисининг таркибий қисми, уларнинг маданий онгда, тасаввур ва ассоциатив кечинмалардаги ифодасидир. Демак, ҳар қандай ижодий асар, шунчаки эстетик туйғулар уйғотиб қолмайди, улар кишиларда умумий ижтимоий аҳамиятга эга туйғуларни шакллантиради. Метро архитектураси

[7]Шоабдурахимов Ш., Очилов Н. Ўттиз йил халк хизматида. Тридцать лет на службе народа. - Тошкент: «Меҳридарё» МЧЖ нашр., 2007. – 224 б.

ва бадиий-эстетик безаклари, қиёфаси, образи ўз даврининг, уларни яратган халқ, миллат ва мусаввирларнинг ижодий ғояларини акс эттиргани ҳолда йўловчиларда маълум бир ижтимоий туйғуларни ҳам уйғотади. Мазкур ижтимоий туйғулар эса йўловчиларни ижтимоий бирлик, социум сифатида бирлаштиради, уларда давр талабларига мувофиқ келадиган эстетик дидни тарбиялайди.

Учинчи бобнинг иккинчи бандида ***"Тошкент метрополитени архитектурасида кулолчилик санъати"*** деб номланган бўлиб, унда метрополитен бадиий безатилишида амалий безак санъатининг асосий турларидан бири кулолчилик деб кўрилади.

